Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zenergota'minlash" AJ
Объявление
"O'ZENERGOTA'MINLASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

“O’zenergota’minlash” акциядорлик жамияти 2023 йил 27 июнь куни соат 10:00 да Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар, Ипакчилик кўчаси, 3 манзилида жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш вақти – 09:00 дан 09:50 га қадар амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

4. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилда қилинган ишлар ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

5. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натишаларини эшитиш.

6. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес режасини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини балгилаш.

9. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.

10.Жамият ижроия органи рахбарини (бош директорини) сайлаш.

11. Талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

12. Жамиятнинг аффилланган шахси (шахслари) билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.

13. “O’zenergota’minlash” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестрларини шакллантириш саналари:

- акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 5 июнь 2023 йил;

- акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 21 июнь 2023 йил.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича ахборотлар (материаллар) бўйича Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар, Ипакчилик кўчаси, 3 манзили бўйича мурожат қилиниши мумкин.

Телефон: +99855 501-30-30

Жамият электрон почта манзили: info@uzet.uz

07.06.2023